



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 28 » mart

№ 186

Toshkent sh.

Тошкент шаҳрида барпо этилган маданият объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида

Тошкент шаҳрида янги барпо этилган объектлардан самарали фойдаланиш, буюк ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг бой ижодий меросини чуқур ўрганиш, кенг тарғиб қилиш, ёшлар орасида адабий муҳитни янада ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманида Абдулла Қодирий уй-музеи ҳамда Олмазор туманида Абдулла Қодирий мемориал музейини (кейинги ўринларда – музейлар) Маданият вазирлиги тизимида ташқил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги:

а) Тошкент вилояти ҳокимлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда:

Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Зарқайнар кўчаси 6-уй манзилидаги кутубхона ва Абдулла Қодирий мемориал музейи учун қурилган бино тегишли ҳудуди билан биргаликда Тошкент вилояти “Турон” ахборот-кутубхона марказига (кейинги ўринларда – “Турон” кутубхонаси) оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин берилишини;

“Турон” кутубхонаси ва Абдулла Қодирий мемориал музейи (текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида) ушбу бинога жойлаштирилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

Абдулла Қодирий уй-музейини Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Термиз тор кўчаси, 35, 36 ва 37-уй манзилларидаги бинога жойлаштириш;

Абдулла Қодирий уй-музейи жойлашган бинонинг кадастр хужжатларини расмийлаштириш;

музейларнинг штатлар жадвалини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш чораларини кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

а) бир ой муддатда:

ташқил этилаётган музейларнинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб уларнинг низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

музейлар малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин;

б) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда музейлар экспозициясини музей ашёлари билан тўлдирсин;

в) музейларда маданий-маърифий тадбирлар, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига бағишланган давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар ташқил этиш чораларини кўрсин;

г) музейларга замонавий интерфаол ахборот-коммуникация технологияларини жорий этсин;

д) Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда музейларга сайёҳларни кенг жалб этиш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига “Турон” кутубхонасига бино берилиши муносабати билан ушбу бинонинг кадастр хужжатлари расмийлаштирилишини ҳамда аҳолига янада сифатли ахборот-кутубхона хизматларини кўрсатиш, жумладан, Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодига тааллуқли турли адабиётлар жамланиши ва улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш тавсия этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

“Турон” кутубхонасига берилган бинони сақлаш харажатлари – Тошкент вилояти маҳаллий бюджети маблағлари ва қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига;

музейларга штат бирликларини ажратиш ҳамда ходимларига иш ҳақи тўлаш – Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги музейлар учун белгиланган тартибга мувофиқ;

музейларни сақлаш харажатлари – Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари, музейларнинг ўз даромадлари ва қонун хужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.